

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

249 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолининг ҳожатманд қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 22 февралдаги ПФ–4782-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 24 февралдаги ПҚ–2498-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолининг ҳожатманд қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 22 февралдаги ПФ–4782-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 24 февралдаги ПҚ–2498-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
3. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирадилар.
4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 13 март,
130-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 13 мартдаги 130-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
кiritилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1992 йил 13 майдаги 235-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1992 й., 5-сон, 18-модда):

а) 2-банднинг биринчи хатбошидаги, 3-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилардаги, 4-банддаги, 6-банднинг биринчи хатбошидаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 5-банддаги «иш билан таъминлаш, ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 5-илованинг иккинчи, учинчи, тўртинчи, еттинчи ва саккизинчи хатбошилардаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» 1994 йил 12 майдаги 250-сон қарорининг 2 ва 3-бандларидаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари ва нотариал идоралар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тариф сеткасини жорий этиш тўғрисида» 1996 йил 12 апрелдаги 147-сон қарорига 3-илова номидаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 10 декабрдаги 437-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 12-сон, 35-модда):

а) 4-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Болали оилаларга нафақалар тўлаш учун мўлжалланган маблағлардан белгиланган мақсадда ва самарали фойдаланишни назорат қилиш шахсан Молия вазири (Б.А. Хўжаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари зиммасига юклансин»;

б) 5-банднинг биринчи хатбошидаги «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари «Молия» сўзи билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 3 июлдаги 339-сон қарори билан тасдиқланган Давлат хизматчиларининг лавозимлари рўйхатининг «Туман ва шаҳар ҳокимликларининг бошқармалари ва мустақил бўлимлари» бўлимидаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 14 январдаги 18-сон қарорида:

а) 2-банднинг учинчи хатбошига «тиббий-санитария муассасалари» сўзларидан кейин «ва тиббий-ижтимоий муассасалар» сўзлари қўшилсин;

б) 3-бандда:

иккинчи хатбошидаги «даволаш-профилактика ҳамда санитария муассасалари» сўзлари «даволаш-профилактика, санитария муассасалари ва тиббий-ижтимоий муассасалар» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи ва тўртинчи хатбошиларга «даволаш-профилактика муассасалари» сўзларидан кейин «ва тиббий-ижтимоий муассасалар» сўзлари қўшилсин;

в) 2-иловада:

7-бандда:

қуйидаги мазмундаги еттинчи — ўнинчи хатбошилар қўшилсин:

«тиббий-ижтимоий муассасалар фаолиятини ташкил этиш;

ногиронларни, шу жумладан тиббий-ижтимоий ёрдамга мухтож бўлган ногирон болаларни ва ёлғиз кекса фуқароларни тиббий-ижтимоий муассасаларга юборишга кўмаклашиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда ўзгаларнинг парваришига мухтож бўлган ёлғиз кекса фуқароларни аниқлаш ва уларга яқка тартибдаги дастурлар бўйича, шу жумладан уйда парвариш қилиш бўйича ижтимоий хизматлар кўрсатишни ташкил этиш;

ногиронлар, шу жумладан ногирон болалар, уруш қатнашчилари, фахрийлар, ёлғиз кексалар ва аҳолининг бошқа заиф қатламлари эҳтиёжларига мувофиқ тиббий-ижтимоий ёрдам турларини танлаш ва тақдим этиш, шу жумладан ортопедия буюмлари, реабилитациянинг техник воситалари ва кресло-аравачалар билан таъминлаш мақсадида улар ҳисобини юритиш»;

еттинчи — ўн иккинчи хатбошилар тегишли равишда ўн биринчи — ўн олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

8-бандда:

қуйидаги мазмундаги йигирма биринчи — ўттиз олтинчи хатбошилар қўшилсин:

«тиббий-ижтимоий ёрдамни ташкил этиш соҳасида:

ногиронлар, шу жумладан ногирон болалар, уруш қатнашчилари, фахрийлар, ёлғиз кексалар ва аҳолининг бошқа заиф қатламларига кўрсатилдиган тиббий-ижтимоий ёрдамнинг табақалаштирилиши ва манзиллигини кучайтиришга йўналтирилган ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этади;

ногиронлар, шу жумладан ногирон болалар, уруш қатнашчилари, фахрийлар, ёлғиз кексалар ва аҳолининг бошқа заиф қатламларига тиббий-ижтимоий ёрдам бериш давлат ижтимоий сиёсатини ва бундай ёрдам механизмнинг ишлаши бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда қатнашади;

манфаатдор вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда пенсионерлар, ногиронлар ва ёлғиз кекса фуқароларга қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар, жумладан санаторий-курортда даволашнишга йўлланмалар ва ҳаракатланишнинг махсус воситалари берилишида қатнашади;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда муҳим ижтимоий нормалар ва нормативлар рўйхатини аниқлайди ва уларнинг ишлаб чиқилишини мувофиқлаштиради;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари иштирокида ногиронлар, шу жумладан ногирон болалар, уруш қатнашчилари, фахрийлар, ёлғиз кексалар ва давлатнинг қўллаб-қувватлашига муҳтож бўлган аҳолининг бошқа заиф қатламларига тиббий-ижтимоий ёрдамни ташкил этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

республика, вилоят, туман, шаҳар ижроия ҳокимият органлари иштирокида ёлғиз кекса фуқаролар, ногиронлар ва давлатнинг қўллаб-қувватлашига муҳтож бўлган аҳолининг бошқа заиф гуруҳларига ижтимоий-маиший ёрдамни ташкил этади;

тиббий-ижтимоий муассасаларда яшовчи кекса фуқароларга ва ногиронларга маиший, тиббий ва маданий хизмат кўрсатишни ташкил этади, ушбу муассасаларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланишини таъминлайди;

ёлғиз кекса фуқароларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш хизматларининг комплекс тармоқларини ташкил этади ва улар иши устидан назорат қилади;

ногиронларга, шу жумладан ногирон болалар, уруш қатнашчилари, фахрийлар, ёлғиз кексалар ва аҳолининг бошқа заиф қатламларига тиббий-ижтимоий ёрдам бериш дастурларини молиялаштириш учун маблағларни жалб этиш ишида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлик қилишини ташкил этади;

ёлғиз кекса фуқароларга, пенсионерларга ва ногиронларга тиббий-ижтимоий ёрдам бериш нодавлат хизматлари ташкил этилишига қўмаклашади ва улар иши устидан назорат қилинишини таъминлайди;

ногиронлар, шу жумладан ногирон болалар, уруш қатнашчилари, фахрийлар, ёлғиз кексалар ва аҳолининг бошқа заиф қатламларига тиббий-ижтимоий ёрдам бериш дастурларини молиялаштириш эҳтиёжидан келиб чиқиб амалга ошириладиган идоравий мансуб ташкилотлар ишини, шу жумладан уларнинг тижорат фаолиятини мувофиқлаштиради;

ногиронларни реабилитация қилиш ишига раҳбарлик қилади;

ногиронларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш босқичи сифатида ногиронларнинг жисмоний тарбия ва спорт ҳаракати ривожланишига қўмаклашади;

эҳтиёжманд шахсларни протез-ортопедия буюмлари ва реабилитациянинг техник воситалари билан таъминлашни ташкил этади;

ногиронларни ва пенсия ёшидаги шахсларни протез-ортопедия буюмлари ва реабилитациянинг техник воситалари билан таъминлаш тартибини белгилайди;

йигирма биринчи — эллигинчи хатбошилар тегишли равишда ўттиз еттинчи — олтмиш олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

қирқинчи хатбошига «тиббий-ижтимоий муассасалари» сўзларидан кейин «ва тиббий-ижтимоий муассасалар» сўзлари қўшилсин;

қирқ тўққизинчи хатбошидаги «ўрта тиббий ва фармацевтика ўқув юртлари» сўзлари «ўрта махсус, касб-хунар тиббий ва фармацевтика таълим муассасалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-бандда:

иккинчи хатбошига «тиббий-ижтимоий муассасалари» сўзларидан кейин «ва тиббий-ижтимоий муассасалар» сўзлари қўшилсин;

тўққизинчи хатбошидаги «тиббий хизматлар» сўзлари «тиббий, тиббий-ижтимоий хизматлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

11-бандда:

иккинчи хатбошидаги «ўқув юртлари» сўзлари «таълим муассасалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошида:

«ўқув юртлари» сўзлари «махсус, касб-хунар таълим муассасалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

«ташхис марказлари» сўзларидан кейин «тиббий-ижтимоий муассасалар» сўзлари қўшилсин;

г) 4-иловада:

3-бандда:

иккинчи хатбошидаги «даволаш-профилактика ва санитария муассасалари» сўзлари «даволаш-профилактика ва санитария муассасалари ҳамда тиббий-ижтимоий муассасалар» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошига «даволаш-профилактика муассасалари» сўзларидан кейин «ва тиббий-ижтимоий муассасалар» сўзлари қўшилсин;

тўртинчи хатбошига «даволаш-профилактика муассасаларида» сўзларидан кейин «ва тиббий-ижтимоий муассасаларда» сўзлари қўшилсин;

4-бандда:

иккинчи хатбошидаги «ва даволаш-профилактика муассасалари» сўзларидан кейин «ва тиббий-ижтимоий муассасалар» сўзлари қўшилсин;

тўртинчи хатбошидаги «дорихона ва даволаш-профилактика муассасаларида» сўзлари «дорихона, даволаш-профилактика муассасалари ва тиббий-ижтимоий муассасаларда» сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «соғлиқни сақлаш ва даволаш-профилактика муассасаларини» сўзлари «соғлиқни сақлаш, даволаш-профилактика муассасалари ва тиббий-ижтимоий муассасаларни» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-бандда:

учинчи хатбошидаги «соғлиқни сақлаш органларида ва даволаш-профилактика муассасаларида» сўзлари «соғлиқни сақлаш органларида, даволаш-профилактика муассасалари ва тиббий-ижтимоий муассасаларда» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «даволаш-профилактика муассасаларининг» сўзла-

ри « даволаш-профилактика муассасалари ва тиббий-ижтимоий муассасаларнинг» сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «соғлиқни сақлаш органларида ва даволаш-профилактика муассасаларида» сўзлари «соғлиқни сақлаш органларида, даволаш-профилактика муассасалари ва тиббий-ижтимоий муассасаларда» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банднинг тўртинчи хатбошидаги «даволаш-профилактика» сўзларидан кейин «,тиббий-ижтимоий муассасалар» сўзлари қўшилсин;

д) 6-иловада:

6-бандда:

тўртинчи хатбошига «тиббий» сўздан кейин «ва тиббий-ижтимоий» сўзлари қўшилсин;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«тасарруфидаги даволаш-профилактика муассасалари ва тиббий-ижтимоий муассасалар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, улар томонидан кўрсатиладиган тиббий ва тиббий-ижтимоий хизматлар сифати, бюджет маблағларидан белгиланган мақсадда ва самарали фойдаланиш устидан назоратни амалга ошириш»;

ўн учинчи хатбошидаги «тиббиёт муассасаларида» сўзлари «тиббиёт муассасалари ва тиббий-ижтимоий муассасаларда» сўзлари билан алмаштирилсин:

ўн тўртинчи хатбошидаги «тиббиёт муассасалари» сўзларидан кейин «тиббий-ижтимоий муассасалар» сўзлари қўшилсин:

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«ёлғиз кексалар, ногиронларни ва аҳолининг бошқа заиф қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича амалий ва манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий хизмат кўрсатиш механизмларини такомиллаштириш, тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш»:

7-бандда:

учинчи хатбошига «тиббий» сўздан кейин «ва тиббий-ижтимоий» сўзлари қўшилсин:

тўққизинчи хатбошидаги «тиббиёт муассасаларини» сўзлари «тиббиёт муассасалари ва тиббий-ижтимоий муассасаларни» сўзлари билан алмаштирилсин:

қуйидаги мазмундаги ўн тўққизинчи — йигирма бешинчи хатбошилар қўшилсин:

вилоят, туман, шаҳар ижроия ҳокимият органлари иштирокида ёлғиз кекса фуқароларга, ногиронларга ва давлатнинг қўллаб-қувватлашига муҳтож бўлган аҳолининг бошқа гуруҳларига ижтимоий-маиший хизмат кўрсатишни ташкил этади;

ижтимоий таъминлаш муассасаларида («Мурувват» ва «Саховат» уйларида, пансионатлар, санаторийларда) яшовчи кекса фуқаролар ва ногиронларга маиший, тиббий ва маданий хизмат кўрсатишни ташкил этади;

аҳолига тиббий-ижтимоий ёрдам бериш дастурларини молиялаштириш

учун маблағларни жалб этиш ишида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлик қилишини таъминлайди;

идоравий мансуб ташкилотлар ишини, шу жумладан уларнинг аҳолига тиббий-ижтимоий ёрдам беришни молиялаштириш эҳтиёжидан келиб чиқиб амалга ошириладиган тижорат фаолиятини мувофиқлаштиради;

ногиронларни реабилитация қилиш ишига раҳбарлик қилади;

ногиронларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш босқичи сифатида уларнинг жисмоний тарбия ва спорт ҳаракати ривожланишига кўмаклашади;

тақдим этилган буюртмаларга мувофиқ махсус ҳаракатланиш воситалари, ишлаб чиқариш ва маиший тусдаги мосламалар, ногиронларни реабилитация қилиш ва уларни парвариш қилишнинг бошқа техник воситаларини ишлаб чиқаришга буюртмаларни амалга оширади;

ўн тўққизинчи хатбоши йигирма олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги 353-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 7-сон, 40-модда) билан тасдиқланган Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш тўғрисидаги низомда:

а) 26-банддаги «бўлимларида» сўзи «органларида» сўзи билан алмаштирилсин;

б) 1-иловадаги «меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими» ва «Меҳнат бўлими» сўзлари «Меҳнат органи» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-иловадаги «Меҳнат бўлими» сўзлари «Меҳнат органи» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида» 2000 йил 12 июлдаги 267-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 7-сон, 39-модда):

а) 2-банддаги, 4-банднинг иккинчи хатбошидаги ва 5-банддаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 2-илованинг 22-банди тўққизинчи хатбошидаги ва 23-бандидаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида» 2000 йил 21 сентябрдаги 360-сон қарорининг 9-бандидаги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 9-сон, 60-модда) «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2001 йил 13 февралдаги 75-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 2-сон, 11-модда):

а) 2-банднинг учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) 3 ва 10-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) 8 ва 9-бандлардаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказларини ташкил этиш тўғрисида» 2001 йил 18 майдаги 223-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 5-сон, 28-модда):

а) 2-банддаги, 4-банднинг бешинчи, олтинчи ва тўққизинчи ва 5-банднинг биринчи хатбошидаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 1-илованинг 2-бандидаги, 3-бандининг иккинчи хатбошидаги, 6-бандидаги, 8-бандининг еттинчи хатбошидаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 2-иловадаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатишни кучайтириш тўғрисида» 2002 йил 29 мартдаги 106-сон қарорининг 1 ва 2-бандларидаги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 3-сон, 18-модда) «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарорининг 2-банди иккинчи хатбошидаги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 5-сон, 27-модда) «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари орқали» сўзлари «Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг санаторийсида тиббиёт бирлашмалари орқали» сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Беғараз ёрдамдан мақсадли фойдаланилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 26 июлдаги 268-сон қарорининг 5-бандидаги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 7-сон, 44-модда) «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 12 ноябрдаги 505-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 117-модда):

а) 1-бандда:

биринчи хатбошидаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг ходимларнинг умумий чекланган сони 37 нафар бўлган тузилмаси 2-иловага мувофиқ»;

олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Тошкент, Фарғона, Қарши, Нукус ва Бухоро шаҳарларида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси

масалалари агентлигининг филиаллар шаклидаги Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича минтақавий бюрolari ташкил этилсин»;

в) 3-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

г) 4 ва 5-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг филиали шаклида Чет элларга кетаётган фуқароларни олдиндан кўниктириш ва ўқитиш маркази ташкил этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Фарғона, Бухоро, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича минтақавий бюрolari фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратсин;

Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ишининг пухта ташкил этилишини таъминласин ва унинг фаолияти устидан назорат ўрнатсин»;

д) 6-бандда:

иккинчи хатбошидаги «ва Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги минтақавий бюрolarга» сўзлари чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошидаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

е) 1-иловада:


1-банддаги «Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ва Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги минтақавий бюрolarнинг кўмагида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда» сўзлари «Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги кўмагида Меҳнат вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банддаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижий мамлакатларга ишга жўнатиш учун номзодларни танлаш бўйича Идоралараро комиссиянинг қарорлари асосида» сўзлари чиқариб ташлансин;

11-банднинг «д» кичик бандидаги «ва Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги минтақавий бюрolar» ва «(битимлар)» сўзлари чиқариб ташлансин;

ж) 2-илова матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ҳузуридаги
Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг
ТУЗИЛМАСИ**



Бошқарув ходимларининг умумий сони — 37 киши.

Изоҳлар:

Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича минтақавий бюрорлар ва Чет элларга кетаётган фуқароларни олдиндан кўниктириш ва ўқитиш маркази бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги билан келишган ҳолда Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан белгиланади.

Меҳнат бозори конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги билан келишган ҳолда чет элларда ишга жойлаштириш бўйича минтақавий бюрорлар ташкил этиши ва уларни тугатиши мумкин;

з) 3-иловада:

1-бандда:

биринчи хатбошидаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги Агентликнинг муассиси ҳисобланади»;

2-банддаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

4-бандда:

олтинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича минтақавий бюрлар, шунингдек Чет элларга кетаётган фуқароларни олдиндан кўниктириш ва ўқитиш маркази фаолиятини назорат қилиш»;

тўққизинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги тўққизинчи — ўн олтинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет элларда ишга жойлашиш имкониятлари ва шарт-шароитлари тўғрисидаги ахборот билан таъминлаш;

чет элларга ишга жўнатиш учун хорижий иш берувчиларнинг талабларига мувофиқ бўлган номзодларни танлаб олиш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чиқиш ҳужжатларини расмийлаштиришда, шу жумладан виза олишда ҳамда чет элларда ишга жойлашишда расмийлаштириш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларни олишда кўмаклашиш;

фуқароларни олдиндан кўниктириш ва ўқитишни амалга ошириш;

чет элларга ишга кетаётган фуқароларни борадиган мамлакат қонун ҳужжатлари асослари, анъаналари ва одоб-ахлоқ нормалари тўғрисида хабардор қилиш;

мулоқот қилиш ва меҳнат функцияларини бажариш учун етарли бўлган даражада мамлакат тилини, контракт бўйича ишга жойлашиладиган ишлаб чиқаришларда техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини ўргатиш;

ишга жойлашиш учун чет элларга жўнатилаётган фуқароларнинг соғлиғи ҳолатини хорижий иш берувчиларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда ваколатли тиббиёт муассасаларини жалб қилган ҳолда комплекс тиббий кўрикдан ўтказиш;

ташқи меҳнат миграцияси жараёнларининг, аҳоли меҳнат миграцияси ривожланишининг узоқ муддатли ва ўртача муддатли прогнозларининг таҳлилини ҳисобга олган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари меҳнат бош бошқармаларининг таклифларига мувофиқ юридик шахсларга хорижий ишчи кучини жалб этишга рухсатномалар, шунингдек хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун тасдиқномалар бериш (уларнинг муддатини узайтириш)»;

6-бандга қуйидаги мазмундаги ўнинчи — ўн иккинчи хатбошилар қўшилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги билан келишган ҳолда Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича минтақавий бюроларини ташкил этиш ва уларни тугатиш;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги билан келишган ҳолда Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг ваколатхоналарини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этиш ва уларни тугатиш; ваколатхоналар ва филиаллар низомларини тасдиқлаш»;

9-бандда:

биринчи хатбошидаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги еттинчи ва саккизинчи хатбошилар қўшилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги билан келишган ҳолда Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича минтақавий бюролар раҳбарларини ва Чет элларга кетаётган фуқароларни олдиндан кўниктириш ва ўқитиш маркази раҳбарини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

муассис билан келишган ҳолда Агентликнинг вақтинча бўш турган маблағларини тижорат банкларида депозитга ва бошқа молиявий инструментларга жойлаштиради»;

еттинчи хатбоши тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

12-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«12. Солиқлар ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига, шунингдек бюджетдан ташқари жамғармаларга бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин қолган фойда (даромад) Агентлик молиявий фаолиятининг асосий умумлаштирувчи кўрсаткичи ҳисобланади, ундан календарь йил тугагандан кейин муассасаси қарорига кўра моддий-техник базани ривожлантириш, ходимларни моддий рағбатлантириш ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа харажатлар, Меҳнат вазирлиги марказий аппаратини ҳамда унинг ҳудудий ва идоравий мансуб бўлинмаларини сақлаш учун фойдаланилади»;

и) 4 — 6-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг «Ногиронларни соғломлаштириш ва протезлаш миллий марказини ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 17 майдаги 89-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 20-21-сон, 178-модда) 3-бандининг иккинчи хатбошидаги ва 4-бандининг тўртинчи хатбошидаги «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари «Соғлиқни сақлаш» сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ-616-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2007 йил 8 майдаги 95-сон қарорининг 3-банди (Ўзбе-

кистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 5-сон, 25-модда) қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Белгилансинки, Бандликка кўмаклашиш туман (шаҳар) марказларининг ходимларига ҳамда туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг ногиронларга, кексаларга ва аҳолининг бошқа заиф қатламларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўлимлари ходимларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 сентябрдаги 459-сон қарорига 9а, 10а, 11а ва 12а-иловаларда назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади».

18. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 15 майдаги 97-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 19-20-сон, 197-модда) билан тасдиқланган Меҳнат фаолиятини ва тадбиркорликни амалга ошириш учун чет элларга кетаётган шахслар сонини ҳисоблаб чиқариш бўйича интеграциялашган ахборотларни тайёрлаш ва тақдим этиш модули схемасида:

1 ва 5-қаторларнинг «Ахборот тақдим этувчи вазирлик, идора» устунидagi «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

2-қаторнинг «Ахборот тақдим этувчи вазирлик, идора» ва «Қаерга тақдим этилади» устунларидаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

3 ва 4-қаторларнинг «Қаерга тақдим этилади» устунидagi «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 17 майдаги 100-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 5-сон, 28-модда) билан тасдиқланган Имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари тўғрисида низомда:

а) 6-банднинг биринчи хатбошидаги «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари «Соғлиқни сақлаш» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 10-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:
«ногирон бўлган ўқувчилар — Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва соғлиқни сақлаш ҳудудий бошқармаларининг йўлланмаси бўйича;

в) 15-банддаги «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари «Соғлиқни сақлаш» сўзлари билан алмаштирилсин.

20. Вазирлар Маҳкамасининг «Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасини такомиллаштириш тўғрисида» 2007 йил 24 майдаги 106-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 5-сон, 32-модда):

а) 2-банднинг биринчи хатбошидаги ва 3-банддаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) иловада:

1-бўлимнинг тўртинчи хатбошидаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

3.1-бўлимнинг ўн тўртинчи ва ўн бешинчи хатбошилардаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

3.3-бўлимнинг ўнинчи хатбошидаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

3.4-бўлимнинг биринчи ва олтинчи хатбошилардаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

4-бўлимнинг иккинчи, тўртинчи, ўн тўртинчи, йигирманчи, йигирма иккинчи, йигирма саккизинчи ва йигирма тўққизинчи хатбошилардаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

5.1-бўлимнинг ўнинчи, ўн биринчи ўн учинчи хатбошилардаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

5.3-бўлимнинг биринчи хатбошидаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

Методикага 1-илова 1.4, 2.1 — 2.5, 3.1, II.1, II.2, III.3, III.4-бандларининг «Ҳисобга олиш шакллари» устундаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

Методикага 2-илова 09-бандининг «Ҳисоблаш методи» устундаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин.

21. Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрида Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОИСА) иштирокида касб-хунарга ўқитиш марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 13 августдаги 170-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 33-34-сон, 341-модда):

а) 3-банднинг биринчи хатбошисидаги «Тошкент шаҳридаги Касб-хунарга ўқитиш марказининг» сўзлари «Тошкент шаҳридаги Банд бўлмаган аҳолини касб-хунарга ўқитиш марказининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Тошкент шаҳридаги Банд бўлмаган аҳолини касб-хунарга ўқитиш маркази бевосита Тошкент шаҳар Меҳнат бош бошқармасига бўйсундирилсин, унга умумий ўқув-методик раҳбарлик қилиш эса Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказига юклансин.»;

в) 9-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«9. Белгилансинки, Тошкент шаҳридаги Банд бўлмаган аҳолини касб-хунарга ўқитиш маркази таъминоти, иш билан банд бўлмаган аҳолини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шунингдек импорт қилинадиган ўқув-лаборатория жиҳозларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сақланиши, расмийлаштирилиши ва транспортда ташилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилади».

22. Вазирлар Маҳкамасининг «Худудий соғлиқни сақлаш муассасаларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 18 мартдаги 48-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 2-3-сон, 11-модда):

а) Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси тўғрисидаги низомда:

5-бандда:

иккинчи хатбошига «тиббий» сўзидан кейин «ва тиббий-ижтимоий» сўзлари қўшилсин;

учинчи хатбошидаги «ва тиббий реабилитация хизматларини» сўзлари «реабилитация қилувчи тиббий ва тиббий-ижтимоий хизматларни» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-бандда:

учинчи ва олтинчи хатбошиларга «тиббий» сўзидан кейин «ва тиббий-ижтимоий» сўзлари қўшилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«ёлғиз кекса фуқароларга, ногиронларга ва аҳолининг давлат томонидан қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган бошқа тоифаларига ижтимоий-маиший хизматлар кўрсатишни ташкил этиш»

8-банднинг иккинчи хатбошидаги «ва даволаш-профилактик тиббий ёрдам кўрсатиши» сўзлари «хамда даволаш-профилактик тиббий ва тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиши» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-бандга изоҳ қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Зарурият бўлганда Бирлашма раҳбари кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида тасдиқлаш учун Бирлашманинг тузилмасига ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича тегишли ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармасига белгиланган тартибда таклифлар киритиш ҳуқуқига эга.»;

10-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги «кўп тармоқли марказий туман (шаҳар) поликлиникаси», «кўп тармоқли марказий туман поликлиникаси» сўзлари тегишли равишда «ногиронларга, тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўлимига эга бўлган кўп тармоқли марказий туман (шаҳар) поликлиникаси», «ногиронларга, тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўлимига эга бўлган кўп тармоқли марказий туман поликлиникаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

11-банддаги «— кўп тармоқли марказий туман поликлиникаси мудирини» сўзлари чиқариб ташлансин;

12-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«12. Туманлар (шаҳарлар)даги Бирлашма бошлиғи кўп тармоқли марказий туман (шаҳар) поликлиникаси мудирини — амбулатория-поликлиника ёрдами бўйича ўринбосарга, ногиронларга, кексаларга ва аҳолининг бошқа ночор тоифаларига тиббий-ижтимоий ёрдам бериш бўлими бошлиғи — ўринбосарга эга бўлади. Бирлашма бошлиғининг ўринбосари Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари билан келишган ҳолда Бирлашма бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.»;

14-банддаги «ўринбосари» сўзи «ўринбосарлардан бири» сўзлари билан алмаштирилсин;

18-бандга «ёрдам» сўзидан кейин «ва тиббий-ижтимоий хизматлар» сўзлари қўшилсин;

б) 4а-илова матни қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмасининг
ТУЗИЛМАСИ



23. Вазирлар Маҳкамасининг «Ёшларни умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий таълим тизими билан қамраб олинишини, шунингдек кейинчалик уларнинг ишга жойлашишини ҳисобга олиш ва ҳисоботини юритишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 30 июндаги 145-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 26-27-сон, 253-модда):

а) 1-илованинг «Тасдиқловчи орган» устунининг 3, 5 ва 7-қаторларидаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 2-иловада:

«Ахборот бериш тартиби» устунининг 2 — 4 ва 7-қаторларидаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

«Ишларни ташкил этиш учун масъул вазирлик, идора» ва «Ахборот бериш тартиби» устунларининг 5-қаторидаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин.

24. Вазирлар Маҳкамасининг «Касаначиликни ташкил этишни такомиллаштириш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг уни ривожлантириш параметрлари бажарилиши юзасидан жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 1 июлдаги 146-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 7-сон, 33-модда):

а) 1-банднинг иккинчи хатбошидаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 1-иловада:

6-банддаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

7-банднинг учинчи хатбошидаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

10-банднинг иккинчи, учинчи ва бешинчи хатбошилардаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

12-банднинг учинчи хатбошидаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

13-банддаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

15-банднинг иккинчи — тўртинчи хатбошилардаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

Низомга 1-иловадаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

Низомга 2-иловада:

2 — 4, 7 — 10-қаторлардаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 3-банднинг иккинчи, учинчи ва бешинчи хатбошилардаги ҳамда 8-банддаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин.

25. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 8 августдаги 175-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 8-сон, 44-модда) билан тасдиқланган Тиббий-меҳнат экспертиза эксперт комиссиялари тўғрисидаги низомда:

11-банднинг ўнинчи хатбошидаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

14-банднинг учинчи хатбошидаги ва 16-банддаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин.

26. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори

(Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 8-сон, 49-модда) билан тасдиқланган Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 3-банднинг еттинчи ва тўққизинчи хатбошилардаги, 5-банднинг тўртинчи ва бешинчи хатбошилардаги, 6-банднинг олтинчи хатбошиси, 8, 9, 12, 14-бандлардаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 15-банднинг биринчи хатбошидаги «бажармаган ташкилотга» сўзлари «бажармаган ташкилотнинг мансабдор шахсига» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 17-банддаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

г) 18-бандда:

биринчи хатбошидаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбошидаги «бажармаган ташкилотга» сўзлари «бажармаган ташкилотнинг мансабдор шахсига» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 21-бандда:

биринчи хатбошидаги «Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш жамғармаси» сўзлари «Бандликка қўмаклашиш туман (шаҳар) маркази билан тузилган шартнома асосида Ўзбекистон Республикаси Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармасидан ташкилот (иш берувчи)нинг ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этишга харажатларини қисман қоплашга йўналтириладиган пул маблағлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги томонидан белгиланган тартибда ажратилади»;

е) Низомга 1-илованинг 1-банди еттинчи хатбошидаги ва 7-бандидаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

ж) 2-иловадаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин.

27. Вазирлар Маҳкамасининг «Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича республика реабилитация марказини ташкил этиш тўғрисида» 2008 йил 5 ноябрдаги 240-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 11-сон, 60-модда):

а) 3-банднинг тўртинчи хатбошидаги, 4-банддаги, 5-банднинг биринчи хатбошидаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 2-илованинг 2, 15, 21-бандларидаги, 22-банднинг биринчи хатбоши-

даги, 24 ва 26-бандлардаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин.

28. Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатишган ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларига қайтаришни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 14 январдаги 10-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 1-сон, 3-модда):

а) 5-банддаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) иловада:

22-банднинг бешинчи хатбошидаги ва 24-банддаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

25-банднинг биринчи ва учинчи хатбошилардаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин.

29. Вазирлар Маҳкамасининг «Сотиб олинган реабилитация техник воситаси ёки кўрсатилган хизматлар учун компенсация тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2009 йил 17 июндаги 166-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 6-сон, 48-модда):

а) 1-иловада:

5-банднинг иккинчи хатбошидаги «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги» сўзлари «Соғлиқни сақлаш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«6. Ногирон ёки унинг қонуний вакили (кейинги ўринларда ариза берувчи деб аталади) компенсация олиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармасига ва Тошкент шаҳри Соғлиқни сақлаш бош бошқармасига (кейинги ўринларда соғлиқни сақлаш ҳудудий органи деб аталади) қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:»;

олтинчи хатбошидаги «бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази» сўзлари «тиббиёт бирлашмаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банддаги «меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари «соғлиқни сақлаш» сўзлари билан алмаштирилсин;

17-банднинг биринчи хатбошисидаги «меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари «соғлиқни сақлаш» сўзлари билан алмаштирилсин;

18-банднинг биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«18. Компенсация тўлаш учун пул маблағлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Махсус комиссиянинг қарори асосида туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмасининг шахсий ҳисоб рақамига ўтказилади»;

19-банддаги «бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази» сўзлари «тиббиёт бирлашмаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илова матни қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

**«Сотиб олинган реабилитация техник воситаси ёки
кўрсатилган хизматлар учун компенсация тўлаш
масалаларини кўриб чиқиш бўйича махсус комиссия
ТАРКИБИ**

| | |
|------------------|--|
| Шадманов А.К. | — Соғлиқни сақлаш вазири, Махсус комиссия раиси |
| Хаджибаев А.М. | — Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари, Махсус комиссия раисининг ўринбосари |
| Кўчқоров Ж.А. | — Молия вазирининг биринчи ўринбосари |
| Аннақиличев С.М. | — Халқ банки бошқаруви раисининг ўринбосари |
| Илхомов Б.Н. | — Иқтисодиёт вазирлиги бош бошқармаси бошлиғи |
| Жалолов Х.С. | — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Тиббий-ижтимоий экспертиза республика инспекцияси бошлиғи |
| Лавозими бўйича | — Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт, молиялаштириш ва прогнозлаштириш бош бошқармаси бошлиғи |
| Мухаммадиев Р.И. | — Соғлиқни сақлаш вазирлиги юридик хизмати бошлиғи |
| Лавозими бўйича | — Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тиббий-ижтимоий ёрдам бўлими бошлиғи, Махсус комиссия котиби. |

Изоҳ: комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда ушбу лавозимга янгидан тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юланган шахслар Комиссия таркибига киритилади».

30. Вазирлар Маҳкамасининг «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 6-сон, 51-модда):

а) 2-банддаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 1-илованинг 76-бандидаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин.

31. Вазирлар Маҳкамасининг «Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 29 июлдаги 216-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 7-сон, 58-модда):

а) 3-банднинг биринчи хатбошидаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 5-банднинг тўртинчи хатбошидаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 15-банднинг биринчи хатбошидаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин.

32. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш фаолиятини такомиллаштириш юзасидан ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 2010 йил 19 февралдаги 29-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 2-сон, 10-модда):

а) қарорнинг номидаги ва 2-банддаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 1-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза қилиш бошқармаси тўғрисидаги низом» сўзлари «Меҳнат вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси бошқармаси тўғрисидаги низом» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 1-иловада:

илова номидаги «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза қилиш бошқармаси» сўзлари «Меҳнат вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси бошқармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-банддаги «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Меҳнатни муҳофаза қилиш бошқармасининг» сўзлари «Меҳнат вазирлиги Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси бошқармасининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

илова номидаги, 2, 3, 10, 11 ва 12-бандлардаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

8-бандда:

ўн биринчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўн иккинчи — йигирма иккинчи хатбошилар тегишли равишда ўн биринчи — йигирма биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

Низомга 1, 2 ва 4-иловаларда:

